УДК 81`351 003.23

МУКАММАЛ АЛИФБО ТИЗИМИНИ ИЗЛАБ

Д.А. Набиева

Ўзбек тили ўзининг тараққиёти давомида фонографик ёзувнинг бир қанча турларидан фойдаланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори маданиятимиз, маънавиятимиз кўзгуси бўлган тил масаласига, жумладан, ўзбек ёзуви ва имлоси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ўзбек ёзувлари XX аср мобайнида уч марта туб ислоҳ қилинди. Мақолада имло юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар*: Алифбо, имло, товуш типлари, ҳарф, фонографик ёзув, фонема, ёзув турлари, ўзбек ёзувлари, имло қоидалари.*

В течение своего исторического развития узбекский язык использовал несколько видов фонографического письма. С первых лет обретения независимости, в нашем государстве наряду с другими отраслями социальной жизни было уделено особое внимание языку, который является отражателем духовности и культуры народа, в частности, на узбекскому письму и алфавиту. В период XX века узбекская письменность была реформирована три раза. В данной статье речь идет о последствиях данных реформ.

Ключевые слова: *алфавит, письмо, типы звуков, буква, фонографическое письмо, фонема, типы письма, узбекские письмена, правила правописания.*

Инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири, шубҳасиз, ёзувдир. Айниқса, фонографик ёзувнинг ихтиро қилиниши мулоқотда макон ва замон дахлсизлигини таъминлашда беназир восита бўлди. Ёзувнинг аҳамияти ва қудрати хусусида зукко тилшунос Н.Маҳмудов таърифидан орттириб таъриф айтиш мушкул. Олимнинг ёзишича, “Тилнинг чинакам маънодаги алоқа қуроли бўлишдай бош вазифасини ёзувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кишилик жамияти тарихи қўлга киритган билиму тажрибалар, инсон закоси яратган нодир кашфиётлар, инсониятнинг олис, аммо ойдин бадиий тафаккури маҳсули бўлган сўз санъати дурдоналари, фозилу фузало, азизу авлиёларнинг ҳақ йўлидаги, одам боласини қобиллик, комиллик, одиллик эшикларини очишга ундаш йўлидаги табаррук каломлари, жамиятлар тарихининг нурли ва нурсиз саҳифалари ва шу каби ахборотларнинг барча-барчаси авлодлардан авлодларга, халқлардан халқларга, қитъалардан қитъаларга бевосита ёзув орқали етиб боради. Биз бугун ёзув туфайлигина бир неча минг йиллик кўҳна тарих қаърidаги товушларни эшита оламиз. Бу ёзувнинг тангсиз қудратидир” [1. Б. 42]

Фонографик ёзувнинг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги 3–2-минг йилликка, қадимги финикияликларга бориб тақалади. Улар мавжуд чексиз товушларни умумий белгилари асосида муайян товуш типларига, яъни фонемаларга бирлаштиришга ва ҳар бир товуш типи учун белги – ҳарф танлашга муваффақ бўлганлар [2; 3; 4; 5; 6]. Фақат ундош товушларни ифодалаш учун мўлжалланган (консонант ёзув деб юритилади) ва 22 ҳарфдан иборат бўлган ушбу алифбо бир қанча ҳозирги алфавитлар учун асос бўлган.

Таъкидлаш лозимки, фонографик ёзув тилнинг энг кичик бирлиги – фонемаларни ифодалаш учун хизмат қилади. Ҳар бир тилнинг фонологик тизимини ҳосил қилувчи фонемалар миқдори шу тилларнинг фонетик хусусиятларидан келиб чиқиб, товушлар тизимидаги товуш типларининг миқдори билан белгиланади. Тиллардаги фонемалар миқдорининг турли-

чалиги, табиийки, уларни ёзувда акс эттирувчи ҳарфларнинг ҳам турлича бўлишига сабаб бўлади. Финикияликлар томонидан кашф этилган алифбо тизими ҳам кейинчалик турли тил вакиллари томонидан ўз тилларининг товуш тизимига мосланди ва шу асосда ҳарфлар миқдори ўзгариб борди: наботийларда 28, яҳудийларда 22 та, арабларда 28 та, эронийларда 32 та ва ҳ.к. [3; 4], натижада тилларнинг ўзига хос алифбо тизими яратилди.

Ўзбек ёзувлари тарихидан маълумки, ўзбек тили ўзининг тараққиёти давомида фонографик ёзувнинг бир қанча турларидан фойдаланган. Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, “юксак маданият соҳиби бўлмиш туркий халқлар, сўнгги маълумотларга кўра, милоддан олдинги VI–V асрлардан бошлаб Ўрхун алифбосидан фойдаланганлар. Ўн асрдан кўпроқ вақт мобайнида истеъмолда бўлган мазкур алифбо ўша давр туркий тилининг товуш қурилишини ниҳоятда аниқ ифода эта олган” [1. Б. 43].

V–X асрларда рун ёзуви билан бир қаторда уйғур ёзувидан фойдаланилгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Хусусан, М.Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари муқаддимасида келтирилишича, “М.Кошғарий туркий сўзларни ҳамда уларнинг маъносини изоҳлаш учун келтирилган мисолларни араб хатида берган. Лекин ўша замонда турклар қўллаган алифбо тўғрисида маълумот берар экан, бошқа бир ёзув – уйғур хатини келтиради, уни “туркча ёзув” деб атайди” [7. Б. 5]. М.Кошғарий уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта эканлигини қайд этиб, туркий тилда ишлатиладиган еттита товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмаслигини таъкидлайди [7. Б. 5]. Шунга қарамай, “Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан то шу кунгача, Kāšğardan Юқори Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган”лиги эътироф этилади [7. Б. 5]. Ёзувда белгига эга бўлмаган товушларни ифодалаш учун ҳамда шу товушлар қатнашган сўзларни бир-биридан фарқлаш учун М.Кошғарий ўз асарида махсус қўшимча белгилардан фойдаланган. Булардан кўринадики, уйғур ёзуви туркий тилнинг товуш тизимини тўла акс эттирмаган, яъни у мукаммал бўлмаган.

Туркийшунос Ў.Сулаймонов ёзувлар хусусида фикр юритар экан, ҳар қандай ёзув, энг аввало, муайян диний мафкуранинг ифодачиси эканлигини, давлатчилик ва маданиятни ифодалаш эса унинг кейинги вазифаси эканини таъкидлаган ҳолда, янги динларнинг барчаси ёзувлари билан дунёга ёйилганини қайд этиб, фикрини исботлаш учун яҳудийлик дунёга қадимги яҳудий ёзуви билан, христианлик – юнон, лотин ёзуви билан, буддавийлик – қадимги ҳинд, зардуштийлик – авесто, ислом – араб ёзуви билан тарқалгани ҳақидаги фактларни келтиради [8. Б. 8]. Дарҳақиқат, VIII асрдан бошлаб туркий халқлар томонидан ислом динининг қабул қилиниши натижасида араб ёзуви ҳам истеъмолга киритилди ва IX–X асрлардан то XX аср бошларигача араб ёзуви туркийлар истеъмолида бўлган бошқа ёзувларни сиқиб чиқарди.

Ўзбек маърифатпарварларидан бири, ўзбек тилининг жонкуяри А.Фитрат туркчанинг (ўзбек тили – Д.Н.) тақдири хусусида фикр юритар экан: “турк тили шунча бойлиғи, шунча тугаллиги билан бахтсизликдан қутула олмамишдир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир. Туркчанинг бахтсизлиғи араб босқини билан боғланмишдир. Араблар босдиқлари ўлкага ёлғуз ҳукуматларини эмас, динларини, йўсунларини-да танитган, олдирған эдилар. Мусулмонлиқларнинг туби, томири Қуръон билан Ҳадисдир. Шунинг учун янги мусулмонлар арабча ўрганишга ўзларига вожиб деб билдилар, ўқидилар, ўргандилар, севдилар. Бундан кейин форси(й)ча ва туркча арабча бўғувига кириб қолдилар” [9. Б. 125], – деб куюнган эди.

Ўрта Осиёга 1917–1918 йиллардан советлар интервенцияси бошланди. Советлар тузуми ҳам ўз мафкурасини сингдириш баробарида, ўн аср давомида туркийлар, хусусан, ўзбеклар учун ҳам классик ёзув бўлиб улгурган (гарчи бу ёзув ҳам туркий товуш тизимини мукаммал акс эттирмаса-да) араб ёзувини дастлаб лотин ёзувига (1929 йилдан 1940 йилгача), сўнг кирилл (1940 йилдан ҳозирга қадар) ёзувига ўзгартирдилар. “Мазкур “ислоҳот” ҳукмрон мафкура тарафидан “туркий халқлар миллатлараро алоқа воситаси бўлмиш рус тилини

ўрганишга қийналяптилар, алифбонинг бошқа-бошқа эканлиги бунга халақит беряпти” деган баҳона билан асосланди. Натижада рус алифбосидаги деярли барча ҳарфлар ўзбек кирилл алифбосига ҳам олинди, ҳатто тилимизнинг товуш хусусиятларини асло акс эттирмайдиган ҳарфлар (ъ, ь, е, ё, ю, я, ц) ҳам ўзбек алифбосидан жой олди. ...Аслида, кириллица нафақат ўзбек тилининг, балки бирон-бир туркий тилнинг товуш қурилишини акс эттира олмас эди” [1. Б. 44].

Ҳ.Жамолхонов ҳам ўзбек алифбоси ва имлоси масалаларига эътибор қаратар экан, ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётининг илк боскичидан (XX асрнинг биринчи чорагидан) ҳозирга кадар амалга оширилган алифбо ва имло ислоҳотларига оид ҳужжатлар ва матбуот материаллари таҳлилидан шундай хулосага келади: “ўзбек мактабларида ва русча бўлмаган бошқа мактабларда рус тилини мажбурий равишда ўқитишнинг жорий қилиниши рус тилининг маданий, илмий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролини янада оширишга интилиш, бу ҳаракатнинг зўр бериб тарғиб қилиниши собиқ СССР даги тил сиёсатининг Ўзбекистондаги кўриниши бўлган, бу сиёсат бора-бора ўзбек ёзувини лотин графикасидан рус графикаси асосидаги янги алифбега (кирилл алифбосига – Д.Н.) кўчириш учун жиддий замин ҳозирлаган, чунки рус тилини иккинчи она тили даражасида ўзлаштириш ишини тезлаштириш ва осонлаштиришда ўзбек ва рус тиллари ёзувларининг бир хил график тизимда бўлиши ниҳоятда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши керак эди” [10. Б. 64–65].

Ҳақиқатан, советлар бошлаган тил сиёсати кутилган натижани берди. Кирилл алифбоси ҳам ўзбек лисоний маданиятининг бир қисмига айланди. Илм-фан, адабиёт тили, расмий иш ҳужжатлари, давлат ёзишмалари ва ҳ.к.лар айнан шу ёзувга асосланди. Бир неча авлод шу ёзув билан вояга етди. Бир неча аср давомида араб ёзувида яратилган бой илмий, маданий-маънавий мерос йўқ қилинди, унутилди. Шу ўринда генерал Скобелевнинг машҳур фикрини эслаш ўринли: “Агар сен бирор миллатни йўқотмоқчи бўлсанг, унинг тилини, маданиятини, урф-одатларини йўқот, шунда у ўз-ўзидан миллат сифатида тарих саҳнасидан тушиб қолади”. Ҳақиқатан, тилнинг мажудлигини, яшовчанлигини, унинг муҳофазасини таъминловчи омил ўша тилда гаплашувчи аҳоли, халқ, миллатгина эмас, балки унинг ёзуви ҳамдир. Ёзувни муҳофаза қилиш шу тилда мавжуд барча маданий-маънавий меросни, қадриятларни муҳофаза қилиш, демакки, миллатни, ўзликни муҳофаза қилишдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ сиёсий, иқтисодий масалалар билан бир қаторда ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим узви, маданиятимиз ва маънавиятимиз кўзгуси бўлган тил масаласига, жумладан, ўзбек ёзуви ва имлоси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги 931-XII–сонли Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, “ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929–1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади” [11]. Қонун икки моддадан иборат бўлиб, биринчи моддасида Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши қарор қилинган.

Қонуннинг 2-моддасида Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолиниши қайд этилади [11].

1995 йилда мазкур Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги 71-1-сонли Қонун [12] қабул қилиниб, унда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги ҳарфлар миқдори қуйидаги жадвалда келтирилгани каби 29 та этиб белгиланди. Улардан 26 таси бир белги билан, 3 таси икки белги билан (ҳарфлар бирикмаси) ифодаланиши қайд этилган. Шу билан бирга, С с, Ҷ ҷ ҳарфлари мустақил ҳарф белгиси сифатида алифбодан чиқарилиб, Ō ō ҳарфи Ơ ơ шакли-

да, Ḡ ḡ ҳарфи G` g` шаклида, Ş ş sарфи Sh sh шаклида. Ç ç sарфи Ch ch шаклида. N̄ n̄ ҳарфи Ng ng шаклида ифодаланиши қайд этилди:

Лотинча			Кирилча	Лотинча			Кирилча
Ҳарфлар			Ҳарфлар	Ҳарфлар			Ҳарфлар
Босма	Ёзма	Талаффуз		Босма	Ёзма	Талаффуз	
Aa	*Aa*	a	Аа	Rr	*Rr*	re	Рр
Bb	*Bd*	be	Бб	Ss	*Ss*	es	Сс
Dd	*Dd*	de	Дд	Tt	*Tt*	te	Тт
Ee	*Ee*	e	Ээ	Uu	*Uu*	u	Уу
Ff	*Ff*	ef	Фф	Vv	*Vv*	ve	Вв
Gg	Gg	ge	Гг	Xx	*Xx*	xa	Хх
Hh	*Hh*	he	Ҳҳ	Yy	Yy	ye	Йе
Ii	*Ii*	i	Ии	Zz	*Zz*	ze	Зз
Jj	*Jj*	Je (Jõra)	Жж (Жўра)	Ch ch	*Ch ch*	*che*	Чч
Kk	*Kk*	ka	Кк	G`g`	*G`g`*	g`a	Ғғ
Ll	*Ll*	el	Лл	Ng ng	*Ng ng*	ng	Нг нг
Mm	Mm	em	Мм	O`o`	*O`o`*	o`(o`rdak)	Ўў (ўрдак)
Nn	*Nn*	en	Нн	Sh sh	*Sh sh*	she	Шш
Oo	*Oo*	o (ota)	Оо (ота)				
Pp	*Pp*	pe	Пп				
Qq	*Qq*	qa	Ққ	(`) — тутуқ белгиси (апостроф)			

Шу йил яна Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ҳам қабул қилинди. Унда ўзбек тилининг асосий имло қоидалари тасдиқланиб, республика вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига, оммавий ахборот воситаларига лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги барча турдаги ёзишмаларда, матбуотда, иш юритишда ушбу қоидаларни жорий қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигига, Давлат матбуот қўмитасига эса мактаблар учун қўлланма сифатида ўзбек тилининг имло луғатини, киши исмлари ва жой номлари луғатларини тайёрлаш ва нашр этиш чораларини кўриш каби вазифалар юклатилди.

Дарҳақиқат, Ҳ.Жамолхонов таъкидлаганидек, ўзбек ёзувининг XX аср тарихи мураккаб жараёнларга бой бўлди: бу асрда ёзув уч марта туб ислоҳ қилинди – бир график тизимдан бошқа график тизимга кўчирилди. Жаҳон халкларининг ёзув тарихида бундай ҳодиса камдан-кам учрайди [10. Б. 7]. Олим мавжуд манбалар ва ҳужжатлар таҳлили натижасида ўзбек ёзувининг XX аср тарихини қуйидаги тўрт даврга бўлади:

1- давр – араб графикасига асосланган йиллар (1900-1929).

2- давр – лотин графикасига асосланган йиллар (1929-1940).

3- давр – рус графикасига (кириллицага) асосланган йиллар (1940- 1993).

4-давр – икки ёзувлиликка (рус (кирилл – Д.Н) – ўзбек ва лотин-ўзбек алифболарига) асосланган йиллар (1993 йилдан ҳозирги давргача) [10. Б. 7].

Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, бир аср (XX аср) давомида ўзбек имлоси бир неча маротаба ўзгарган. Табиийки, ёзув тизимининг ўзгариши халқ саводхонлигига жиддий таъсир этмай қўймайди. Зеро, "Саводхон бўлмаган жамиятнинг камолоти ва тараққиёти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас" [1. Б. 49].

Мамлакатимизда 2018 йил 15 майда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини кенг жорий этиш ва янада такомиллаштириш бўйича Ҳаракатлар режаси" тасдиқланган бўлиб, унда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини танқидий қайта кўриб чиқиш ва унинг қўлланишини осонлаштириш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига янада мослаштириш каби вазифалар белгиланди. Шу асосда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ фаолиятини бошлагандан буён ижтимоий тармоқларда таклифлар, мулоҳаза ва мунозаралар авж олди. Уларнинг аксариятида алифбомиздаги "ш" (sh), "ч" (ch), "нг" (ng), "ў" (o‘), "ғ" (g‘) ва "ҳ" (h) ҳарфлари хусусида бўлиб, баъзи ҳарфларнинг шаклини ўзгартириш (sh, ch, o‘, g‘), айримларидан эса бутунлай воз кечиш (ng ва h) ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Таассуфки, айрим ҳарфлардан воз кечиш ҳақидаги фикрлар мутахассислар – она тили ва адабиёти ўқитувчилари томонидан ҳам билдирилган.

Аслида, тилдаги ҳеч бир бирлик ўз ҳолича мавжуд бўлмайди. Ҳар бир бирликнинг тизимда ўз ўрни, мавқеи ва вазифаси бор. Ўзбек тилининг фонологик тизимини ташкил этувчи ҳар бир фонеманинг вазифаси – ўзидан катта бирликларни – морфемаларни шакллантириш ва уларнинг маъносини фарқлашдан иборатдир. Тизим таркибидаги бирон бир фонеманинг узиб ташланиши шу тизимнинг функциялашувига жиддий путур етказади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳарф фонема учун танланади. Тилдаги фонемалар миқдори эса фонетик структурадаги мавжуд товушларни типлаштириш, умумлаштириш асосида белгиланади. XX аср бошларида Америка структуралистлари томонидан таклиф этилган дистрибутив метод (ўзбек тилшунослигида бу усул XI асрдаёқ маълум бўлган: Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асарида ингичка ва йўғон товушларнинг бир ўринда иккинчиси қўлланилиб, маъно фарқлаши мумкинлигига эътибор қаратилган), яъни товушларнинг бир хил қуршовдаги маъно фарқлаш хусусияти фонемаларни белгилашнинг энг қулай усулидир. Агар бир хил фонетик қуршовда бир товуш иккинчиси билан алмаштирилиб, маънога таъсир кўрсатса, улар бошқа-бошқа фонемаларни акс эттиради. Масалан, *шоҳ – шох, ҳил – хил, ҳуш – хуш, уҳламоқ – ухламоқ; эн – энг, он – онг, ўн – ўнг, сўн – сўнг* ва ҳ.к. Бу қаторларни чексиз давом эттириш мумкин. Кўринадики, биз инкор этмоқчи бўлган, лекин тилимизда яшаб келаётган "ҳ" ва "нг" фонемаларидан ва уларни ёзувда акс эттирувчи ҳарфлардан ҳам воз кечиб бўлмайди.

Оммавий-ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда билдирилаётган барча фикр-мулоҳазалар синчиклаб ўрганилиб, 2019 йилнинг 22 майида ишчи гуруҳнинг якуний хулосаси эълон қилинди ҳамда лотин ёзувига асосланган янги алифбо лойиҳаси тақдим этилди [12]. Шу ўринда бир истиҳола туғилади: ёзувни алмаштираверишнинг юксак маънавият ва маданият соҳиби бўлган халқимиз учун нафақат моддий, балки жиддий маънавий зарба бўлмайдими? Ахир чорак аср давомида (1993 йилда қабул қилинган ва 1995 йилда таҳрир қилинган) амалда бўлган ва халқимиз томонидан озми-кўпми кўникиш ҳосил қилиб улгурган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини яна ўзгартиргандан кўра, имло қоидаларини қайта ишлаб, такомиллаштириш маъқул эмасми? Шу ўринда Фитрат домланинг сал кам юз йил илгари куйикиб айтган фикрларини келтириб ўтиш жоиз: "Эски имлони енгдик, кўб яхши. Янги имломизнинг-да вақтлиғини бир нарса эканини билайлик. Букун ҳар томонда лотинчилиқ оқими кучланиб борадир. Яқин, жуда яқин бир замонда араб ҳарфларини (эски, янги имлолари билан бирга) томиридан узиб

ташласа керак. Бу кўзга кўриниб турибдир, аниқдир; лотин ҳарфларини қабул этмак, қабул эттирмак учун букундан бошлаб тайёрлиқ кўришимиз лозим. Тилимиздаги товушларнинг сонини (фонемалар сони – Д.Н.), чўзғи ўрунларини илмий сувратда яхшиғина билиб аниқлаб қўяйиқ. Тилимизнинг истеъдодли, бой бир тил бўлғанини қичқириб сўйладиқ; “бу тили даққидир (қўполдир), бунинг ўрниға туркчанинг адабий бир шевасини олайлиқ” деган тил билмаслар билан курашдик – уларни енгдик. Бироқ ҳануз тилимизнинг белгили қоидаларини майдонға қўя олмадиқ. Ёзувчиларимизнинг шаклига “бирлик”, янги ёзғучиларимизға қулайлик бермак учун тилимизнинг қатъи қоидаларини билдириш керак” [9. Б. 125]. Бу фикрларнинг ҳануз долзарблигича қолаётгани тилшуносларни жиддий ўйлантириши лозим, бизнингча. Шахмат ўйинида ҳам доналарнинг қандай бўлиши эмас, балки ўйин қоидаларига амал қилиш муҳим-ку!

Алифбо тизимига ўзгартириш киритиш учун келтирилаётган асосий сабаблардан яна бири – бу *sh, ch* ва *ng* иштирок этган сўзларнинг ўқилиши ва имлосида юзага келадиган қийинчиликлар ҳамда ушбу ҳарфларни компьютер дастурларига киритиш муаммосидир. Бундан ташқари, ўзбек тилини ўрганишни истаган чет элликларлар учун “қулайлик” яратиш мақсадида ҳам алифбомизни ўзгартиришимиз зарур эмиш. (Ўзимизга, ўзлигимизга, қадриятларимизга бўлган “юксак” муносабатимиз намунасидир бу!)

Инглиз тилини ўрганаётган фарзандларимиз чет тили алифосида айрим ҳарфларнинг, хусусан, ***c*** *(алифбода* ***си*** *ўқилади)* ни у*, e, i* унлиларидан олдин келганда *c* тарзида, бошқа ўринларда эса *k* тарзида ўқилиши лозимлигини қоида асосида ёдлаб, эсда сақлаб қолаётган эканлар, нега ўз она тилидаги сўзларнинг ёзилишини эсда сақлаб қололмайди?

Ҳозирги кунда консерватив ва прогрессив инглиз тилини бир-биридан фарқлаб, улардаги грамматик қоидаларнинг ҳам фарқига бораётган, классик инглиз тилидаги ёзилиши бошқа-ю, ўқилиши бошқа сўзларни ҳам бемалол ёдда сақлаб қолаётган ёшларимизнинг салоҳияти она тили алифбосидаги ҳарфлар ва уларнинг имлосини ёдда тутишга ҳам қодир эмасми?

Ўзбек тилини ўрганишга жазм этган ўрганувчи бизнинг тилимизнинг ўзига хос жиҳатларини, бетакрор алифбо тизимини, грамматик қоидаларини ўрганган ҳолда, бизга, тилимизга мослашмоғи шу асосда маданиятимизни, қадриятларимизни ҳурмат қилмоғи ва қадрламоғи тўғри бўлмайдими?

Қайд этиш лозимки, минг йиллардан буён ўзгаришсиз қўлланиб келинаётган ёзув тизимлари ҳам мавжудки, бу ёзувни ўзгартирмасдан ҳам замон билан ҳамнафас бўлиш, тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш мумкинлигини исботлайди. Масалан, яҳудий ёзуви 3000 йилдан буён (22 та белги), араб ёзуви 3000 йилдан буён (28 та белги), лотин алифбоси 2000 йил (26 та белги), хитой иероглифлари[1*] 6000 йил, охирги ислоҳот 2000 йил аввал амалга оширилган (60 000 та белги), арман алифбоси 1600 йил 38 та белги, барча сляван тиллари учун умумий бўлган кирилл алифбоси 1200 йил (43 та белги) ўзгаришсиз қўлланаётгани, компьютерлаштирилган техника асрида ҳам улардан фойдаланувчи халқларнинг такомили учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Чунки лингвистик корпуслар инсонлар томонидан, соҳа мутахассислари томонидан яратилади ва истеъмолга киритилади. Миллий тилларнинг ҳар бири учун ҳам шу тилларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тил корпуслари яратилиб, компьютер дастурлари ишлаб чиқилиши ҳеч кимга сир эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир тилнинг фонологик структураси ўзига хос. Уни акс эттирувчи алифбо тизими ҳам бетакрордир. Мукаммал алифбо тизимини излаб, уни бетиним ўзгартириш халқнинг, миллатнинг маданий, маънавий камолотига жиддий зарар етказади. Халқнинг саводхонлик даражасига алифбо тизимини ўзгартираверишбилан эмас, балки имло қоидаларини такомиллаштириш билан ҳам эришиш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ёзув ихтиро қилинганидан буён ҳеч бир тил мукаммал алифбо тизимига эга эмас.

[1]Хитой иероглифлари идеографик ёзув намунасидир.

Адабиётлар:

1. *Маҳмудов Н*. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2017. – 176 б.
2. *Диринґер Д*. Алфавит. – Москва: Издательство иностранной литературы, *1963*. – 654 с.
3. *Истрин В.А*. Возникновение и развитие письма. – Москва: Наука, 1965. – 600 с.
4. *Гельб И.Е.* Опыт изучения письма. – Москва: Радуга, 1982. – 376 с.
5. *Волков А.А*. Грамматология. Семиотика письменной речи. – Москва: Издательство МГУ, 1982. – 176 с.
6. *Георгиев В*. Происхождение алфавита // Вопросы языкознания, 1952. – №6. – С. 48–83.
7. *Кошғарий М*. Девону луғотит-турк. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 488 б.
8. *Сулейманов О*. Язык письма. – Алматы – Рим: “San Paolo”, 1998. – 497 с.
9. *Фитрат А.* Танланган асарлар. 4-жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 336 б.
10. *Жамолхонов Ҳ., Сапаев Қ*. Имло муаммолари. – Тошкент: ТДПУ, 2007. – 192 б.
11. Ўзбек алифбоси ўзгариши кутилмоқда //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил 9-сон, 331-модда [Интернет манба]. URL: https://effect.uz/k/2021/03/16/shavkat-mirziyoev-yangi-alifbo-haqida-qonunni-imzoladi.html (Мурожаат этилган сана: 08.08.2021)
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил 6-сон, 119-модда [Интернет манба]. URL: https://lex.uz/mobileact/112286 https://www.lex.uz/acts/4502338 (Мурожаат этилган сана: 12.07.2021.)

SEARCHING FOR THE PERFECT ALPHABET SYSTEM

D.A. Nabieva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2021. 5(47). 122–129.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: Alphabet, spelling, sound types, letter, phonographic writing, phoneme, types of writing, uzbek writing, spelling rules.

During its development, the Uzbek language used several types of phonographic writing. From the first years of independence, along with all aspects of our social life, special attention was paid to the language, which is a reflection of our culture and spirituality, including the Uzbek script and spelling. The history of Uzbek writing in the twentieth century was rich in complex processes: in this century, writing was radically reformed three times - from one graphics system to another. Such an event is rare in the written history of the peoples of the world.

It is known that phonographic writing serves to express the smallest unit of language - phonemes. The number of phonemes that make up the phonological system of each language is determined by the number of sound types in the sound system, based on the phonetic properties of those languages. Differences in the number of phonemes in languages, of course, also lead to differences in the letters that represent them in writing. The alphabet system invented by the Phoneticians was later adapted by different languages to the sound system of their languages, and the number of letters changed accordingly: 28 in Naboth, 22 in Jewish, 28 in Arabic, 32 in Iran, and so on. system was created.

It should be noted that there are writing systems that have been used without change for thousands of years, which proves that it is possible

to keep pace with the times, to keep pace with development, without changing the writing. For example, the Jewish script is 3,000 years old (22 characters), the Arabic script is 3,000 years old (28 characters), the Latin alphabet is 2,000 years old (26 characters), the Chinese hieroglyphs are 6,000 years old, and the last reform was 2000 years ago (60,000 characters).), the Armenian alphabet 1600 years 38 characters, the Cyrillic alphabet common to all Slavic languages 1200 years (43 characters). It should be noted that the fact that these alphabets are being used unchanged does not stand in the way of the perfection of the peoples who use them, even in the age of computerized technology.

In short, the phonological structure of each language is unique. The alphabet system that reflects it is also unique. Searching for a perfect alphabet system and changing it face to face will seriously damage the cultural and spiritual maturity of the people, the nation. The level of literacy of the people can be achieved not only by changing the alphabet system, but also by improving the spelling rules. It should be noted that no language has had a perfect alphabet system since writing was invented.

References:

1. Mahmudov, N. (2017) *Til tilsimi tadqiqi* [Linguistic research]. Tashkent: “Mumtoz so‘z”.

2. Diringer, D. (1963) *Alfavit* [Alphabet]. Moscow: Izdatel’stvo inostrannoj literatury.

3. Istrin, V.A.(1965) *Vozniknovenie i razvitie pis’ma* [The emergence and development of writing]. Moscow: Nauka.

4. Gel’b, I.E. (1982) *Opyt izucheniya pis’ma* [The experience of studying writing]. Moscow: Raduga.

5. Volkov, A.A. (1982) *Grammatologiya. Semiotika pis’mennoj rechi* [Grammatology. Semiotics of written speech]. Moscow: Izdatel’stvo MGU.

6. Georgiev,V. (1952) *Proiskhozhdenie alfavita* [The origin of the alphabet]. *Voprosy yazykoznaniya*. No 6. Pp. 48-83.

7. Koshg‘ariy, M. (2017) *Devonu lug‘otit-turk* [Devonian-Turkish dictionary]. Tashkent: C‘afur C‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi.

8. Sulejmanov, O. (1998) *Yazyk pis’ma* [Language of writing]. Almaty–Rim: “San Paolo”.

9. Fitrat, A. (2006) *Tanlangan asarlar* [Selected works]. In 4 volumes.1-volumes. Tashkent: Ma’naviyat,

10. Jamolxonov, H., Sapaev, K. (2007) *Imlo muammolari* [Spelling problems]. Tashkent: TDPU.

11. O‘zbek alifbosi o‘zgarishi kutilmoqda // O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1993 yil 9-son, 331-modda [The Uzbek alphabet is expected to change. / Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, No. 9, 1993, Article 331]. [Online]. URL: https://effect.uz/k/2021/03/16/shavkat-mirziyoev-yangi-alifbo-haqida-qonunni-imzoladi.html (Date of access: 08.08.2021)

12. O‘zbekiston Respublikasi Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил 6-сон, 119-модда [Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, June 6, 1995, Article 119]. [Online]. URL: https://lex.uz/mobileact/112286 https://www.lex.uz/acts/4502338 (Date of access: 12.07.2021.)

Муаллиф ҳақида маълумот:

НАБИЕВА Дилоро Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори. E-mail: prof.nurmonov@rambler.ru